ТИЛШУНОСЛИККА ЯНГИЧА НАЗАР

A.Nurmonov. Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalishlari. O`quv qo`llanma. --T.: Ta'lim, 2009. -160 b

XIX асрнинг биринчи ярмида қиёсий-тарихий тилшуносликнинг таркиб топиши натижасида тил илмида катта марралар эгалланган бўлса, XX асрда бошқа фанлар тараққиёти каби тилшуносликда ҳам туб ўзгаришлар юз бердики, бунинг асосий сабаби тилга структур-функционал ёндашув бўлиб, Фердинанд де Соссюрнинг "тил субстанция эмас, балки шаклдир" деган тезиси асос қилиб олинди. Натижада тилшунослик тарихида системавий-структур тилшунослик шаклланди ва шу вақтга қадар тил илмида амалга оширилган назарий хулосаларга, илмий қарашларга ўзгартиришлар киритишга тўғри келди. Бу ҳолат "тилга ёндашув", "нуқтаи назар" асосида юзага келиб, аввалги лингвистик қарашлар янги тадқиқотлар учун омил бўлиб хизмат қилди.

"XX асрнинг охирги чораги ва XXI аср бошларидаги ўзбек тилшунослиги ҳам ана шундай жараённи ўз бошидан кечира бошлади. Айюб Ғулом асос солган ўзбек илмий тилшунослиги ютуқларини эътироф этган ва унга таянган ҳолда, ўзбек тилининг ички структур белгиларини ёритишга ёрдам берадиган янги тадқиқот методларини қўллашга интилиш кучайди" (3-бет) ва бунинг натижасида ўзбек тилшунослигида системавий-структур ёндашув асосида тадқиқотлар амалга оширила бошлади. Профессор Абдулҳамид Нурмоновнинг **«Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalishlari» (Toshkent. Ta'lim. 2009)** ўқув қўлланмаси структур тилшуносликнинг келиб чиқиши, турли хил йўналишлари, бу йўналишлар ўртасидаги умумий ва ўзига хос белгилар ва ўзбек тилшунослигига структур тилшуносликнинг таъсири каби масалаларга бағишланган бўлиб, нафақат бакалавр ва магистр талабалар учун, балки тилшунос ўқитувчилар, илмий иш олиб бораётган тадқиқотчи, аспирант ва докторантлар, қолаверса, барча қизиқувчилар учун зарурий ўқув қўлланма сифатида аҳамиятга моликдир.

Фандаги ҳар қандай янгилик аввалги қарашларнинг инкори бўлиши "инкорни инкор" қонунидан маълум экан, системавий-структур тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожи ҳам "анъанавий" деб ном олган аввалги тил илмидаги назария ва қонуниятларга аниқлик киритиш, қўшимчалар қўшиш, маълум ўринда тубдан янгилаш асосига қурилган бўлиб, муаллиф асарнинг "Анъанавий ва структур тилшунослик муносабатлари" бўлимида *"Аслида "анъанавий тилшунослик" "ҳозирги тилшунослик" ёки "замонавий тилшунослик"ка зидланмайди. .. Тилшуносликнинг бу икки йўналиши бир-бирини рад этмайди, балки бири иккинчисининг натижаларига асосланади"* (6-7-бетлар) деб ёзади.

Маълумки, систем-структур нуқтаи назар асосида тилга ёндашув натижасида чиқарилган хулосалар, гўё "анъанавий тилшунослик" фактларини тамоман инкор қилиб юборгандай бўлиб, бу, маълум маънода, катта заҳмат ва фидойилик эвазига яратилган лисоний қонуниятларни, илмий ва назарий қарашларни чиппакка чиқаргандай, қатор тилшунос-олимларнинг тадқиқотлари эътиборсиз бўлиб қолаётгандай эътирозларни келтириб чиқараётган эди. Бу эса илмнинг ривожи учун тўсиқ бўлиши, олимлар ўртасида зиддиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин эди.

А.Нурмонов ўзбек тилшунослиги тараққиётини (бошқа тилларнинг ҳам) систем-структур ёндашув асосида кўргани учун ушбу ўқув қўлланмада структур тилшуносликнинг моҳиятини очиб беришга, шу билан бирга, унинг ривожи "анъанавий тилшунослик" қўлга киритган ва киритаётган ютуқлар асосида амалга ошишини, бу икки тилшунослик билишнинг икки босқичи: ҳиссий ва идрокий билиш босқичига таянган ҳолда лисоний тадқиқотларни олиб боришини очиб беришга эътиборни қаратади.

Ўқув қўлланмасида Бодуэн де Куртенэ ва Фердинанд де Соссюрларнинг структур тилшуносликнинг асосчилари сифатидаги назарий қарашлари "лисоний инқилоб"ни рўёбга чиқариш учун омил бўлган илмий кашфиёт сифатида таҳлилга тортилган.

Соссюр томонидан синхрония ва диахрониянинг аниқ фарқларининг кўрсатиб берилгани, нутқий фаолият тил ва нутқ муносабатининг ҳосиласи эканлиги хусусидаги қарашлари, тилнинг белгилар системаси эканлиги ҳақидаги қимматли фикрлари тил илми ривожи учун янги кенг қамровли уфқларнинг очилишига сабаб бўлганлиги китобда структур тилшуносликнинг пойдевори сифатида кўрсатиб ўтилган.

Қўлланма билан танишган китобхонлар структур тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожида

турли лингвистик мактаблар ва гуруҳларнинг ўзаро зид фикрлари, у ёки бу масалада муштарак қарашлари, бири иккинчисини тўлдирувчи назариялар ҳақида маълумотга эга бўладиларки, бу муаллифнинг жаҳон тилшунослиги тарихи, лисоний тараққиёт босқичлари ва жараёнларига теран илмий ёндашганидан, лингвистик мушоҳада қобилияти юксак эканидан далолат беради. Жумладан, китобнинг 30-саҳифасида *"Гарчи тил–нутқ дихотомияси Фердинанд де Соссюргача В.Гумбольдт, Ёш грамматикачилар мактаби ва Бодуэн томонидан баён қилинган бўлса ҳам, лекин Ф.де Соссюр уни лингвистик системанинг марказига айлантирди"* деб ёзади. Бу эса муаллифнинг олимларнинг илмий қарашлари ва хулосаларига теран муносабатидан далолат беради.

Соссюрнинг лингвистикани икки турга ажратгани – тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасига бўлиб, амалда, асосан, тил лингвистикасига эътиборни қаратганини келтирар экан, Прага структурализми ҳақидаги қисмда Прага лингвистик тўгараги аъзолари **функционал тилшуносликка** эътибор қаратганини таъкидлайди ва бу билан структур тилшунослик йўналишларининг янада тўлдирилганини, мукаммаллашганини айтиб ўтади.

Асарда структур тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожида катта аҳамият касб этган Прага лингвистик тўгараги намоёндалари В.Матезиус, В.Скаличка, фонологик йўналиш асосчиси Н.С.Трубецкой қарашлари таҳлил этилади. Бугунги кунда тилшуносликнинг ёрдамчи тармоқлари сифатида тадқиқот объектига айланган социолингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, лингвопоэтика каби йўналишлар Прага тилшуносларининг *"нутқий фаолиятнинг икки асосий функция бажариши"* ҳақидаги қарашлари асосида шаклланган десак тўғри бўлади. Негаки, қўлланмада нутқий фаолият 1) социал функция ва 2) экспрессив функцияга таснифланган бўлиб, улар ахборот функциясини ва поэтик функцияни бажариб келади. Шунингдек, нутқнинг коммуникатив функциясига имо-ишоралар, мимика, нутқ вазияти сингари ҳодисалар киради (62-бет) деб ёзилган.

Қўлланмада "Глоссематика" ва унинг тарафдорларининг қарашлари, Л.Ельмслевнинг имманент тилшуносликни ёқлаб чиқиши ва тилшуносликда тилнинг ички хусусиятлари ўрганилиши кераклиги ҳақидаги фикрлари келтирилади. "Америка структурализми" ҳақидаги бўлимда, асосан, Л.Блумфильднинг тилшунослик қарашлари таҳлил этилган бўлиб, дескриптив тилшунослик, унинг таҳлил методлари хусусида тўхталинган.

Профессор А.Нурмонов ушбу ўқув қўлланмада ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб структурализм ўзбек тилшунослигига ҳам кириб кела бошлаганини ва ўзбек тилининг барча сатҳ бирликларини системавий-структур тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар амалга ошаётганини айтиш баробарида, И.Қўчқортоев, Ш.Раҳматуллаев, А.Абдуазизов, С.Усмонов, Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Р.Расулов, М.Қурбонова, Р.Сайфуллаева, О.Бозоров каби тилшунослар биринчилардан бўлиб илмий тадқиқотлар қилганларини ва бугунда тилшуносларнинг катта армияси структур-системавий йўналишда тадқиқотлар олиб бораётганини таъкидлаб ўтган.

Мустақиллик ўзбек тилшунослигида ҳам назарий жиҳатдан шўролар тилшунослигига асосланган она тилимизнинг қонун-қоидаларига миллий илмийлик асосида ёндашувни тақозо этганлиги туфайли умумтаълим мактабларида "Она тили", касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ҳамда олий таълим тизимида "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарслик-қўлланмалари янгитдан, жаҳон ва ўзбек тилшунослиги қўлга киритган энг сўнгги ютуқлар асосида яратилди. Ушбу дарслик ва ўқув қўлланмаларда тилга систем ёндашув асосидаги хулосалар, илмий ва назарий қарашлар, фалсафий-мантиқий-лисоний муштарак қонуниятлар асос қилиб олинган бўлиб, Абдулҳамид Нурмоновнинг **«Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalishlari»** ўқув қўлланмаси талабалар учунгина эмас, балки она тили ўқитувчилари учун ҳам зарурий қўлланмадир.

Ўқув қўлланмада семинар машғулотлари учун ёинки китобхоннинг ўзини ўзи текшириши учун назорат саволлари берилган бўлиб, китоб сўнгида "Атамалар луғати" ва "Фойдаланилган адабиётлар" рўйхати илова қилинган.

Қадимги Хитой мутафаккири Конфуцийдан "Агар сизга ваколат бериб нимани кечиктириб бўлмайдиган устувор вазифа деб ҳисоблаган бўлар эдингиз?"-деб сўралганда, у "Тилни тартибга келтириш энг зарурий вазифадир" деб жавоб берган экан.

Абдулҳамид Нурмоновнинг **«Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalishlari»** ўқув қўлланмаси тилни тартибга келтиришда ташланган катта қадам эканлиги, шубҳасиз.

Маъмуржон САИДХОНОВ,
Олимжон ТОЖИЕВ,
АДУ Тилшунослик кафедраси доцентлари